



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 12 февраль, № 29 (7259)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Қурилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шакллари кенг жорий этиш, айниқса, уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун кулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоралар қўриш талаб этилмоқда.

Ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг жадвал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия муассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2019 йил 1 мартдан «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкасини 1,5 баробарга ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг 75 фоизи даражасида белгилаш;

2019 йил 1 октябрдан «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари микдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устамани бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

2019 йил 1 мартдан бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа микдори 1,33 баробарга оширилиб, 820 000 сўмни ташкил қилади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган микдорда ошириб борилади;

2019 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи микдорига тўланади;

васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм микдорига компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган микдорда ошириб борилади;

болалар уйлари, ногирон болалар учун «Мурувват» интернет уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабга таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси микдорлари қўлланилади;

оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг икки баробари микдорига ҳисобланади, бунда меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун амалдаги устама ҳақи бекор қилинади ва «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари учун белгиланган ҳар йилги таътиллار, имтиёзлар ва кафолатлар бериш тартиби сақлаб қолинади.

(Давоми 2-бетда).

## БУЮК СЎЗ САНЪАТКОРИГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.



Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллуди кунини, таъбир жоиз бўлса, адабиёт байрами ҳисобланади. Бинобарин, сўз мулкининг султони ўзидан ҳаёт ва ижод мактабини мерос қолдирди. Шу боис улуг аждодимизнинг таваллуд санаси нафақат мамлакатимизда, балки дунё бўйлаб кенг нишонлаб келинмоқда.

### Тадбир



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бу йил ҳам 9 февраль кунини пойтатимиздаги Алишер Навоий кўрсатган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар боғида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ҳамда жамоат тизимлари

мамлакатимизда фаолият кўрсатган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, шоир ҳамда ёзувчилар, адабиёт фидойилари, шеърят мухлислари, ўқитувчилар, талаба-

ёшлар, кенг жамоатчилик жам бўлди.

Тадбирда Алишер Навоий асарларининг мазмун-мундарижаси умумбашарий микдосга эга эканлиги таъкидланди. Шоир ҳикматлари-

да инсон учун эзгулик мангу маёқ бўлиши лозимлиги, олам ўзгариши учун, аввало, одам, унинг қалби, дунёқарши ўзгариши зарурлиги гузал ўхшатишлар, ташбеҳлар, ёрқин фикрлар билан исботлаб бе-

рилган. Буюк мутафаккир тилимизнинг кенг имкониятларини чуқур таҳлил қилиб, ўзбек тилининг ижоддаги бекиёс ахамиятини кўрсатиб берган.



### Нуқтаи назар

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ УРБАНИСТИК КЕЛАЖАГИ

Бунда қайси мезонларга таянилади?



Фредерик СТАРР

«Тарихий анъаналар ва илғор таъриба Ўзбекистон аҳолисига ҳам, оилавий ва ижтимоий қадриятлардан воз кечмаган ҳолда, секин-аста замонавий шаҳар ҳаётига ўтиш имконини беради. Ўшанда Ўзбекистоннинг шаҳар марказлари ҳам бошқа, яъни тез суьратлар билан ривожланиш натижасида муайян муаммоларга дуч келган мамлакатлар учун намуна бўла олади», деб ҳисоблашди Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик СТАРР ҳамда «Calatrava Grace» корпорацияси бош ижрочи директори Майкл СЕЛЛМАН.

Шу йилнинг 10 январида Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонга имзо чеқди. Куйида мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб, АҚШлик таниқли экспертлар мамлакатимиз шаҳарлари 20 — 30 йилдан кейин қандай қиёфага кириши ҳамда урбанизация жараёнига хос бўлган салбий оқибатлар, масалан, чекка жойларда харобалар пайдо бўлиши ва жиноятчилик, коррупциянинг ортиши каби ҳолатларни Ўзбекистон қандай четлаб ўтиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритишади. Эътиборлиси, мазкур таҳлилий мақола илк бор «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинмоқда.



Майкл СЕЛЛМАН

Ўзбекистонда урбанизацияга интилиш қатор омилларга боғлиқ. Масалан, тугилиш кўрсаткичининг юқорилиги кишлоқ жойларда аҳоли кўпайиб кетишига олиб келади. Тўғри, 2017 йилда дунёга келган болалар сонини ундан аввалги йилларда нисбатан 10 700 нафар кам ва шу даврда туғи-

лиш кўрсаткичи ҳар минг нафарга 22,8 дан 22,1 гача пасайган. Шунга қарамай, тадиқот ўтказилган 226 та мамлакат орасида Ўзбекистон 71-ўринни эгаллаб турибди. Йирик аҳоли пунктларининг аксариятида даромад юқори ва бу ҳолат ҳам кишлоқ жойларда яшовчиларни оҳанрабодек ўзига тортиб келади.

Омиллардан яна бири — таълим олиш ва мансаб пиллаполаридан кўтарилиш имкониятини кўпчилиги, айниқса, ёшлар, асосан, Тошкентда ҳамда бошқа йирик шаҳарларда кўришади. Шунингдек, транспорт тармоғи ривожланилиги пойтахтга интилишни орттиради.



## КОРРУПЦИЯГА МОЙИЛЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Мана бу рақамга бир эътибор беринг: 2018 йилда мактабгача таълим муассасаларида 11 миллиард сўмлик молиявий қонун бузилишларига йўл қўйилган. Бюджет маблағларини ҳеч иккиланмасдан талон-торож қилаётган кимсалар қонун олдида жавобгарлик ҳиссини унуттишган экан, ҳеч бўлмаганда, норасида гўдақлар ҳақида хиёнат қилиш оғир гуноҳ эканлигини наҳотки ўйлаб кўришмаган бўлса...

### Сенатор мушоҳадаси

Яна бир мисол, ўтган йилнинг тўртинчи чорадаги бюджет ташкилотларида ўтказилган 1 969 та молиявий назорат тадбирининг 1 717 тасида, яъни 87 фоизда 29 миллиард сўм маблағ ноқонуний сарфлангани аниқланди. Бунда молиявий интизом бузилишига йўл қўйган ташкилотлар саломатининг юқорилиги ташвишдир. Сабаб нима?! Албатта, коррупция! Ҳаётга теранроқ назар

гина, залолатдан фориғ бўла-ми ва коррупцияга қарши чин маънодаги курашчиға айланамиз. Акс ҳолда...

### Мамлакат тараққиётининг кушандаси

Инсонни қийин ва мураккаб аҳволга тушириб, руҳан майиб қиладиган адолатсизликнинг ўқ томири коррупциядир. Унинг илдизлари кўп бўлиб, нафақат инсон, балки ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига ҳавф соладиган ва мамлакат тараққиётига гов бўладиган иллат саналади. 2017 йил 4 январдан кучга кирган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунда «коррупция» тушунчасига кенг таъриф берилган.



## БИЗНЕСГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?



Тараққиёт кўзланган жойда тадбиркорлар учун қулай муҳит яратишга ҳаракат қилинади. Бинобарин, ривожланиш асоси бўлган ушбу тамойилсиз бирни икки қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш амри маъноли. Бунинг учун эса бир қатор ишларни амалга ошириш даркор. Жумладан, биринчи навбатда, бизнес юритишга тўсиқ бўлаётган омиллар олиб ташланиб, тадбиркорни сарсон қилаётган тартиб-таомиллар соддалаштирилиши лозим. Шунда бизнес эркин бўлади, ривожланади. Инвестор эса қўрқмай пул тикади. Бу янги корхоналар очилиб, кўплаб одамлар бандлиги таъминланади, дегандир.

### Асосий мақсад — йигирматаликка кириш

Юкори маррага бирданга етиб бўлмайди, албатта. Сабоби бизда қурилиш учун руҳсатномалар олиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш ва халқаро савдо операцияларини олиб боришда тадбиркорларни сарсон қилаётган, инвесторни иккилантириб қўяётган ортикча бюрократик тўсиқлар ҳали-ҳануз учраяпти-да.

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда имзоланган «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор айнан шундай муаммоларга барҳам бериши билан ахамиятлидир.



### Маҳаллий Кенгашларда

## Туғма нуқсонли болалар сони ортаётгани муҳокама этилди

Худди шу масала халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ўртага ташланди. Вилоятда тиббий аҳвол қандай? Соғлиқни сақлаш тизимида қайд этилаётган муаммоларнинг ечими борми? Аҳолини малакали тиббий хизмат билан қамраб олиш қўлама талаб даражасидами? Депутатлар ва масъуллар ҳудуддаги тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги камчиликларни таҳлил қилишди.

Маълумки, бир қанча вақтдан буён Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат таркибда тузилган Республика ишчи гуруҳи жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифатини ўрганмоқда. Хулосалар эса вилоят сессиясида таққидий-таҳлилий муҳокама этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шахарчалари ва болалар уйларига 1 та психолог штат бирлиги, тарбияланувчилари сони 200 нафардан ортиқ бўлган “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шахарчалари ва болалар уйларига 2 та психолог штат бирликларини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил давомида “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шахарчаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Халқ таълимининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер синфларини очиб, тарбияланувчиларини замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитишни ташкил қилиш ва ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрлашнинг таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар, Республика Бандлик ва ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, “Меҳрибонлик” уйлари билан боғлиқ бўш қўйилган кам комплекти болалар шахарчалари ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқоабил шаклларига ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 июнга қадар муддатда **2019 — 2023 йилларда “Меҳрибонлик” уйлари**ни ноинституционаллаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомиёликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уларнинг тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва қузатиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органларининг “Ишонч телефонлари” орқали

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилиш, шунингдек, “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шахарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилишини, “Ишонч телефонлари” узлуксиз ишлашини ҳамда улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланишини таъминласин.

4. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: оилавий васийлик ва ҳомиёликнинг турли шакллариини яратишга кўмаклашсин;

2019 йил 1 июнга қадар “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шахарчалари ва болалар уйлариининг ҳудудлари ва хоналари видеокузатув камералари билан жиҳозлашнинг таъминласин, видеоёзувлар махсус архивда қамда бир ой давомида сақлашнинг назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шахарчалари ва болалар уйларидаги видеокузатув камераларининг техник созлиги ва узлуксиз ишлашини, кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидан архивлаштиришни таъминласин.

6. Васийлик ва ҳомиёлик органлари, “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шахарчалари, болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бошқа тарбия муассасалари:

давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари, ФҲДБ ва ички ишлар органлари, давлат тиббиёт ва бошқа муассасалар орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилишда давлат божи ва бошқа тўловлардан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ҳаражатлар сметасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳага ихтисослаштирилган муассасаларида тиббиёт тизими педагогик ходимларининг малакасини ошириш учун маблағларни назарда тутилсин.

Белгилансинки, асосий ишдан ажралган ҳолда педагог ходимларининг малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларга ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақлансин.

8. Қуйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар (туман) ҳокимлари:

“Меҳрибонлик” уйлари кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болалари ҳамда ота ёки онадан бирига эга болаларни вақтинчалик жойлаштириш бўйича қарорларнинг асосланганлигини;

уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз вақтида тураржойлар ажратилишини қонун ҳужжатларида мувофиқ таъминлаш учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тураржойлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Тижорат банклари етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, шу жумладан, улар тоифасига қирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларга ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартиралы уйлاردан квартира сотиб олиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Белгилансинки, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадални Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший ва тураржой шартлиларини яхшилаш мақсадида, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда арзон кўп квартиралы уйлари куриш параметрларини шакллантиришда, 2020 йилдан бошлаб уй-жойга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзли ипотека кредити бериш асосида сотиш учун уйлар курилишини назарда тутилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ишга жойлаштирилиши устидан тизимли мониторинг механизмининг ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда тарбия муассасаларини тамомлаган етим

болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қафолатларни назарда тутилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

“Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шахарчалари тарбияланувчиларини дастурлаш кўникмаларига ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш мақсадида уларнинг интернет тармоғига уланishi ва компьютерлар билан жиҳозлашнинг, бунда 10-11 синф ўқувчиларига “ахборот-коммуникация технологиялари” йўналишида етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шароитлар яратилишини;

электрон ўқув, шу жумладан, компьютер дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги материаллардан фойдаланиш мақсадида “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шахарчаларининг “ZiyouNET” таълим тармоғига уланishi таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларнинг туғинган ота-оналари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинишини таъминлаш бўйича тақлифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин, шунингдек, ҳар йили Давлат бюджети параметрларида ушбу кўрсатилган мақсадлар учун маблағни назарда тутилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатлари ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 11 февральКапитал бозорини  
ривожлантириш  
стратегияси  
ишлаб чиқилади

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчи Хелена Фрэйзер БМТ Тараққиёт дастури номидан давлат органлари ва идоралари, шунингдек, молия институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш масалаларини мувофиқлаштиришда кўмак беришга тайёр эканини билдирди. Ваколатхона раҳбари самарали ҳамкорликни ташкил этишда бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслик ва бу жараёнда тизимлиликни таъминлаш мақсадида мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлигини қайд этди.

Мунисхон ҚАРИМОВА.

Туғма нуқсонли  
болалар сони  
ортаётгани  
муҳокама этилди

Мисол учун, вилоятда аҳолини патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш бўйича ишлар талаб даражасида ташкил этилмаётгани сабабли аксарият ҳолларда патронаж хизмати фақатгина тегишли хонадон вакиллари билан суҳбатлашадиган иборат бўлиб қоляпти. Натияжада айрим туманларда касалликка чалиниш ҳолатлари кўпайган. Хусусан, 2018 йилда вилоятда туғма нуқсонлар билан туғилган болалар сони 141 нафарни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 15 нафарга ёки 10,6 фоиз ошган. Айниқса, 7 та туман ва 2 та шаҳарда бу кўрсаткич кўпайган.

Бироқ 2018 йил давомида Самарқанд вилоятидаги аксарият оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарлари аҳоли олдига бир ёки икки марта тадбир ҳисобот берган бўлса, айримлари бу масалага деярли эътибор қаратмаган. Шу боис Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари кўмағида барча шаҳар ва туманларда биттадан оилавий поликлиника ёки қишлоқ врач-

Умид СОРИЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.КОРРУПЦИЯГА МОЙИЛЛИКНИНГ  
ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Коррупция домига тушган давлатларга инвестициялар кiritилиши чекланади, таъқи савдо алоқалари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муносабатларга пулур етиб, халқаро майдонда мамлакат обрўсизланиб, яқаланиб қолади. Одамларнинг давлатга ишончи сўниб боришига сабаб бўлиши эса унинг нақадар даҳшатли ҳодиса эканидан далolat.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатнинг туб мағзи халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат ҳаётимизда мустақам ўрин эгаллашда ўзининг яқол ифодасини топмоқда.

Коррупция ўзи бизда қачон пайдо бўлган, деган табиий савол туғилган. Утган асрнинг 40-йиллари, даҳшатли уруш барчага баробар қулфат келтирган даврни катта авлод вакиллари яхши эслайдилар. Биринининг фарзанди, ака-укаси, яна кимнингдир турмуш ўртоғи урушга кетган, кунда-кунора почтани “қорахат” олиб келиб, у ёки бу хонадонда аза очилган кунларда одамларни меҳр-оқибат, ҳамдардик, ҳамнафаслик туйғулари бириштирган эди. Очарчилик ҳам-манинг тинқисини қуритган бўлишига қарамадан, борини баҳам қўриш одатий ҳол бўлиб, ҳовлисидаги пишган мева, сабзавот, сут-қатиқни бир-бирларига текинга бериш қон-қонимизга сингиб кетганди. Бинобарин, бугун “коррупцияга мойиллигимиз бор, бу — халқимизнинг томиридаги иллат”, дегуви кимсалар жамиятдаги олий тушунчаларга салбий таъсир кўрсатаётгани, шубҳасиз. Ҳалол

Ҳар бир тийин  
ҳисобда2019 йилда Давлат бюджети  
2018 йилдагига нисбатан 38 фоиз

## БИЗНЕСГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Президент қарори билан тасдиқланган 11 боб, 56 та банддан иборат “Йўл харитаси”да тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш, қурилиш учун рўхсатнома олиб олиш, электр таъминоти тизимига уланishi, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, солиққа тортиш йўналишларида энгилликлар яратиш ва халқаро савдонини амалга ошириш, контрактлар ижросини таъминлаш, миноритар акциядорларни ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли тадбирлар белгилаб берилган. Бу юқори натижага эришишнинг энг асосий йўналишларидир.

Мазкур ҳужжатда, шунингдек, Ўзбекистоннинг “Бизнес юритиш” рейтингидagi ўрнини бошқимча-босқич яхшилаш бўйича вазифалар ҳам белгилаб берилди. Хусусан, 2020 йилда олтинчи олтинчи, 2021 йилда ўттинчи учинчи ва 2022 йилда йигирманчи ўринга олиб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Қарор билан кўрсаткичларини яхшилаш бўйича ҳар бир йўналишга маъсۇл вазирлик ва идоралар ҳам тайинлангани диққатга сазовор. Шундай қилиб эндиликда тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказишни соддалаштиришга Адлия вазирлиги, қурилиш учун рўхсатномалар олиш тартиб-

ўсиб, 102 триллион сўмга етиши кутилмоқда. Бундан ижтимоий соҳага 57,8 триллион сўм сарфланади. Бу кўрсаткичларнинг замирида х а л қ н и н г фаровон ҳаётини таъминлаш, одамларнинг бугунги кунидан рози қилиш имкониятлари мўжассам. Мана шу жойда жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутгани керак. Жамият ҳам, фуқаролар ҳам давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаши зарур. Қай бири сўз кетса, лоқайдлик авж олади.

Бу ҳаммаини бирдек коррупция қарши курашимиз лозим, деганидир.

Мазкур жараёнда давлат ҳокимияти ва парламент фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун Олий Мажлис таркибидa Бюджет бошқармаси ташкил этилади. Шу аснода сенатор ва депутатлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, шунингдек, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, айниқса, ҳудудий секторлар фаолияти ҳамкорлигининг янада кучайтирилиши мазкур иллатга қарши курашишда уюшқоқлик билан ҳаракат қилиш имконини беради.

Қарорга асосан, эндиликда истеъмолчини сабабсиз электр тармоғидан узганларга иқтисодий чоралар қўриладиган бўлди. Тадбиркорларга тегишли кўчмас мулк эса аввалгидек кўчмас мулк жойлашган ҳудудда эмас, балки тадбиркорга қулай бўлган ҳудудда рўйхатдан ўтказилади. Бу жараёнда кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва унга эгаллик ҳуқуқини олиш учун берилган аризалар нотариал идоралар томонидан ахборот тизимлари орқали бепул равишда кадастр идораларига тақдим қилинадилар. Кадастр ҳужжатларини қозғоқ қуришида тақдим этиш талаби эса бекор қилинади.

Халқаро савдо соҳасида ҳам

Республикамиздаги 9 016 та фуқаролор йигинининг 3 205 тасида, яъни 35 фоизда биронта ҳам жиноят содир этилмаган. Бу кўрсаткич коррупцияга қарши курашишда ҳам маҳалланинг энг муҳим таянч нуқта сифатида белгиланишини тақозо қилади. Аҳамият беринг, «бўлажақ коррупционер» оилода ва маҳаллада туғилиб, улғаяди. Биз «маҳалланинг шаъни» деган тушунчани изчил қарор топтиришимиз зарур.

Ҳозир бошқимча-босқич ўтказиб келинаётган “Намунали маҳалла” қуриқ-танловларида номинациялар сонини ошириш лозим.

Яна бир муҳим жиҳат — оила ва ўқув муассасасида маҳаллага таянч бўладиган таълим-тарбияни шакллантириш зарур. Айниқса, юксак мақсадларни қўлаб ташкил қилинган “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ҳамкорлик асосида янада ривожлантириш талаб этилмоқда.

Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат маъсۇл идоралар зиммасига юклатилган бўлса-да, унинг тўлақонли рўёбга чиқиши учун ҳар бир фуқаро ўзида маъсۇлият ҳис этсагина, қўйилган мақсад ва муддаоларга эришилади.

Айни пайтда коррупциянинг миқёси ва мақоми ҳамда унинг келиб чиқиш сабаби ва оқибатлари-

Пойтахтда  
эксперимент тартиб  
жорий қилинади

Қарорда 2020 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида эксперимент тарихида тартиб жорий қилиниши ҳам белгиланган. Уларда қўйидагилар акс этирилади. Яъни шаҳарсозлик фаолияти объектини қуришни лойиҳалаштириш учун меморий-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш ер участкасини “E-JRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилиш учун материаллар тайёрланаётганда амалга оширилади ва аукцион қўлибга бепул берилади. Меморий-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш

ни ўзимиз чуқур англаб, таҳлил қилиб, бу муҳим иллатга жиҳс-лашиб қарши курашишни бурчимиз, деб ҳисоблаганимиздагина ўз самарасини беради. Эркин, демократик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида маъсۇлиятсизлик ва адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлишни ўзимиздан бошлашимиз кераклиги бугун оддий ҳақиқатдир.

“Коррупцияга қарши курашишга қодирмизми?” деган савол кун тартибига қўйилар экан, “Қодирмиз” деб айтишга ҳақли асосларимиз бор. Давлат ҳокимияти — оила — маҳалла — таълим муассасалари — жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш бизни қўзлаган мақсад сари етаклайди. Бунинг учун мана шу йўналишда илгор халқаро тажрибаларни жорий этган ҳолда, инновацион ёндашув даркан. Жамият кушанда сизга қарши курашишни белгилаб бераётган қонунларни янада такомиллаштириш зарурати юзага келяпти. Яна бир эътиборли жиҳат, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда уларга қўб бериувчи коррупцияга барҳам беришда маъмурий шакл ва усулларни бошқимча-босқич камайитириб бориш эвазига, келгусида бўшаб қоладиган маблағларни коррупциядан холи бўлган авлод тарбиясига ҳамда халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга сафарбар қилишга эришиш бош мақсадимиз бўлмоғи керак.

Одиллона сиёсатга хайрихоҳлик, қатъият, инсонпарварлик, Ватанга садоқат туйғулари бу йўлда бизга қанот бўлиб хизмат қилади.

Шуқуржон МАМАТҚУЛОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
иқтисод фанлари номзоди,  
профессор.

бўйича ишларнинг қиймати маҳаллий бюджет маблағларидан, кейинчалик ҳаражатларни ер участкасини “E-JRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилишдан келиб тушган маблағлардан қоплаш орқали тўланади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 апрелгача Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи сўрвонор-малари асосида 10 та индикатор кесимида қатъий белгиланган ахборотларни ўз ичига олган, шунингдек, тадбиркорлар томонидан тақлифларни бериш имконини таъминловчи “Ўзбекистонда бизнес юритиш” веб-сайтини яратди.

Қисқиси, давлатимиз раҳбарининг қарори “Бизнес юритиш” рейтингидa юқори ўринга чиқиб олиш йўлида муҳим дастуриламал бўлади. Эеро, ундаги чора-тадбирлар ижроси мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, демакки, ҳар биримизнинг турмушининг фаровонлигига дахлдор масалалардир.

Бош прокуратура ҳузуридagi Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида  
Д. УЛУҒМУРДОВ тайёрлади.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ УРБАНИСТИК КЕЛАЖАГИ

## Бунда қайси мезонларга таянилади?



### Марказга тортиш кучи

Ўзбекистон ўз олдига ўрта даражадаги даромадли мамлакатлар сафига киришни мақсад қилиб қўйган. Унга эришиш учун Президент Шавкат Мирзиёев фақат сўнгги йилнинг ўзида қўлаб дастурларни таъсис этди, ўндан ортиқ эркин иқтисодий зоналар ва эллика яқин sanoat зоналарини яратиш, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлик олдидagi тўсиқларни бартараф этиш шулар жумласидан. Бир вақтнинг ўзида кишлоқ туманларида уй-жойлар қуриш давом этмоқда. Ўрта даражадаги даромадли мамлакат мақомига эришиш бўйича бундай янги ташаббуслар урбанизация жараёнини мустаҳкамлайди.

Хўш, “ўрта даражадаги даромадли мамлакат” тушунчаси нима ни англатади? Жаҳон банки талқинига кўра, бу — аҳоли жон бошига 1 006 доллардан 12 235 долларгача тўғри келадиган ялпи миллий даромад (ЯМД)га эга давлат. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳар бир кишига 1 500 доллардан, ялпи миллий даромади (ЯМД) эса 7 130 доллардан тўғри келади. Жаҳон банки яна “паст даражадаги даромадли мамлакат” ва “ўртадан юқори даражадаги даромадли мамлакат” тушунчаларини алоҳида ажратади. Улар орасидаги фарқ аҳоли жон бошига 3 995 долларни ташкил этади. Яъни 109 та ўртача даромадли мамлакатдан 56 таси — ўртадан юқори даражадаги даромадли мамлакат, қолганлари — ўрта даражадаги даромадли мамлакат.

БМТнинг урбанизация истиқболлари ҳақидаги маърузасида қайд этилишича, ўрта даражадаги даромадли мамлакатлар 2020 йилга бориб 53,7 фоизга урбанизацияланади ва 2030 йилда урбанизация кўрсаткичи

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумоти**га кўра, мамлакат аҳолиси 33 254 100 нафар кишини ташкил этади, бу эса аҳоли сони бўйича дунёда 44-ўринда туради, деганидир. Тошкент шаҳрида 2 510 800 киши ёки мамлакат аҳолисининг 7,6 фоизи яшайди.

59 фоизга, 2050 йилда эса — 68,3 фоизга тенг бўлади. Ўртадан юқори даражадаги даромадли мамлакатлар учун башорат кўрсаткичлари баландроқ, 2020 йилга бориб уларда урбанизация 68,2 фоизни, 2030 йилда 75 фоизни, 2050 йилда эса 82,6 фоизни ташкил этади.

Агар Ўзбекистон 2030 йилга бориб, ўрта даражадаги даромадли мамлакатларда кузатиладиган урбанизация даражасига эришса, унда шаҳар аҳолисининг сони 34,44 миллион кишидан иборат бўлади ёки ҳозирги ортиқ кишини ташкил этади. Бу дегани — шаҳарда яшовчилар йилига ўрта ҳисобда 1,47 миллион нафарга ёки 283 173 уй хўжалигига кўпаяди. Агар 2030 йилда ўртадан юқори даражадаги даромадли мамлакатларнинг урбанизация даражасига эришса-чи? Унда шаҳар аҳолиси 36,06 миллион кишига етади ёки ҳозиргидан 19,29 миллион нафарга кўп бўлади.

Дейлик, янги шаҳар аҳолисининг ярми Тошкентда яшайди. У ҳолда 2030 йилга бориб, Ўзбекистон пойтахти аҳолиси 12,125 миллион нафарга етади, бу эса ҳозиргидан деярли беш баравар кўп. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида аҳоли сони

27,15 миллионга ортади. Мабо-до, келгусида ўсиш суръати ўртадан юқори даражадаги даромадли мамлакатларники сингарии бўлса, қутилаётган рақамлар янада катталашади.

Ўзбекистон ана шу тоифага кирувчи мамлакатлардаги схема асосида ривожланса, яқин ўн йилликлар ичида у мислсиз юқори урбанизацияга эришади. Бу эса ҳозирнинг ўзидаёқ йилга миллионлаб янги шаҳар уйлари қуриш заруратини кўрсатиб турибди.

Лекин буларнинг барчаси прогноз, холос. Реал ҳаётда қўлаб муқобил ечимлар топилиши ҳам мумкин. Мисол учун, мамлакат раҳбарияти иккиламчи шаҳар марказларини ривожлантиришда уларни тенглашти-

меъморларнинг чиройли гоёларига ҳамиша мос келавермаган. Бразилия, Санкт-Петербург, Нью-Дехли, Вашингтон, Ислонмисоллар, холос. У ерларда ҳам аҳолининг чуқур тарихий илдизга эга ижтимоий аънаналари секин-аста савдо эҳтиёжлари ёки муайян ҳудуддан қутилмаган тарзда фойдаланиш зарурати пайдо бўлиши туфайли ўзгарган. Шаҳарлар табиий равишда, изчил ривожланган, режа тузувчилар эса давр билан ҳамнафас бўлиш учун ўз лойиҳаларини ўзгартиришга мажбур бўлганлар. Ўзбекистон учун шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштиришда халқнинг уй қуриш аънаналари, ўзига хос урф-одат-

Ўзбекистон архитектура ва қурилиш соҳасига тегишли ана шундай муаммоларга дуч келаятган биринчи давлат эмас. Ривожланаётган мамлакатларнинг ақсарияти ўзлариди мавжуд ҳолат ва маданий қадриятларни, аҳолининг урбанизациялашувини ўрганиш учун социолог, тарихчи, психолог, иқтисодчи олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш ўрнига, бошқа давлатларда ишлаб чиқилган моделларни механик равишда кўчириб олиб, умумий қарорлар қабул қилган.

Ўзбекистонда эса янги, инновацион йўналишларни танлаш имконияти бор. Бунинг учун бошқа мамлакатларнинг урбанизация жараёни ва уй-жой қуриш соҳасидаги ютуқ ҳамда камчи-

сумда, ҳарорат даражаси турлича бўлганда ҳам ишлашиш имкони бор.

### Қурилишнинг модуль усули

Хўш, у қандай афзалликларга эга? У хавфсизлик масалаларини ҳал этади. Модуль конструкциялар энг қатъий қурилиш меъёрлари ва қоидаларига баъзан тўла мос келади, баъзан эса ҳатто улардан ўзиб ҳам кетади. Бундан ташқари, модулни йиғиш завод шароитида, сифат ва самарадорлик назорати остида амалга оширилади (ёш болалар яхши кўрадиган йўйинчоқ — “Lego” конструкторини тасаввур қилинг-а!) Модуль конструкциянинг ҳар бир детали темир йўл ёки автотранспортда олдиндан аниқлаб қўйилган қурилиш бири бирининг устига “терилди”. Айрим ҳолларда шу йўл билан баландлиги 40 қаватгача бўлган бинолар барпо этилади. Мазкур жараёнда “деталлар кутубхонаси” юзага келади. Натижада эса тўла мувофиқлашган тизимга гувоҳ бўламиз.

Тайёр блоклар бир-бири билан турлича комбинацияда бирлаштирилиши мумкин. Уй эгалари ўз хоҳишига кўра, мавжуд конструкцияга янги бўлаклар қўйиш йўли билан хоналарни кенгайтира оладилар. Модуль конструкция тижоратчилар учун ҳам қулай. Масалан, намунавий витриналар савдо майдонининг ҳажми, ишлатилиш мақсади, қисқаси, заруратга қараб оson-усули ўзгартирилади. Модуль усули бугунги кунда урбанизация жараёни жадал давом этаётган Ўзбекистонда кенг фойдаланиши мумкин. Қўшимча афзалликларини шун-



Чунки уларни архитектура позициясига қиритиш оson. Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг охирида Ўзбекистондаги мавжуд қурилиш тузилмаларини қайта қўриб чиқиш ташаббусини билдирганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда муҳим.

Тез суръат — модуль конструкциялар усулининг яна бир афзаллигидир. Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан мақсадга эришиш учун қурилиш жараёнини жадаллаштириш масаласини қўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Модуль биноларни барпо этиш ва қурилиш майдончасидаги ишлар бир вақтнинг ўзида давом этади, яъни аънанавий усулларга қараганда иш икки баравар тез битади. Об-ҳаво ҳам халақит бермайди, чунки қурилиш ишларининг асосий қисми завод ичида бажарилади.

Масаланинг муҳим жиҳати, янгиша шаҳарозолиқнинг эстетик ва ижтимоий қимматини ошириш билан ҳам боғлиқ. Агар модуль жараёнлар бош режага асосланмас экан, унинг самараси бўлмайди. Бундай ҳолатда монолит блоклар ҳамма ерни эгаллаб олади, бу эса ўзбек халқининг эҳтиёжлари, қизиқишларига мос келмайди. Демак, Ўзбекистон стратегия ва тактика ўртасидаги, яъни маданият

яшамокчи — ана шу маданий ва ижтимоий воқеликларга интилиш керак бўлади. Бу масалани қўриб чиқишда эса, “бир хил ўлчам ҳаммага тўғри келаверибди”, деган ёндашувдан воз кечиш лозим. Ўзбекистон — турлича ландшафтга эга бўлган жуда ранг-баранг ҳудуд. Даврлар ўтгани сайин ҳар бир ҳудудда ўзига хос, алоҳида услублар вужудга келган. Энди улкан миқёсдаги шаҳарозолиқни амалга оширишда ўша эски, механик шаклдаги қолипларни алмаштиришга киришса-ю, унинг ўрнига фақат янгича миллий стандартлаштириш юзага келиб қолса-чи? Бу жуда ачинарли бўлган бўларди. Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бўйлаб турлича ёндашувлар оқилона тарзда танланиши учун имконият бор. Лекин ушбу жараёнда меъморлар, технололар ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида ўзаро келишув ва ҳамкорлик талаб этилади.

Ўзбекистоннинг урбанистик ёҳуд “шаҳарча” келажиги муваффақият қозонадими, йўқми? — бу унинг оддий фуқаролар ҳаёт сифатига қанчалик таъсир кўрсатишига боғлиқ. Шаҳарларнинг янги бош режалари пайда йўловчилар ҳаракатини бошқара оладими? Жамоат жойлари барча авлод вакили роҳатлاندиган, жиноятчиликни камайтирадиган, ижодкорлик ва тижорат учун бирдек рағбат уйғотадиган масканларга айланадими? Бош режалар мавжуд топография, шунингдек, маҳаллий ва четдан келтирилган манзарали дарахтлардан унумли фойдаланиши ҳисобга оладими? Саволлар кўп. Қисқаси, урбанизация жараёнига шундай ёндашганда маҳаллий урбанистик лойиҳалар ва янги қурилиш технологияларини ўзлаштириш билан бир қаторда, тез суръатлар билан “шаҳарлаштириш”нинг универсал муаммолари, уй-жойга бўлган талабнинг ортиши, йўллардаги тирбандликлар, қутилаётган натижа билан мавжуд захиралар ўртасидаги тафовут каби омиларга ўзбек жамиятининг муносабатини ҳам акс эттирсин.

Қўлгина мамлакатларда шаҳар режасини тузувчи меъморлар “LEED” (“Энергетик ва экологик дизайнда етакчилик”) тамойилига таянадилар. Ўзбекистонда эса ҳеч бир илгор ташаббусдан кўчирма олиш йўлидан фойдаланиб бўлмайди. Лекин улар асосида ётган тафаккур тарзи, яъни одамларнинг ўзаро мулоқотини яхшилаш учун “жонли тизимлар” яратиш мақсади Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўзгаришларни амалга оширишга илҳомлантира олади.

Ўзбекистон урбанизация масаласида юқори поғоналарга чиқиши учун демография, иқтисодий база, келажакка қаратилган дадил сиёсат, бош тарих ва маданий мавжуд. Асрлар давомида қўлаб шаҳарлар бу борада муваффақиятга эришиб келган. Бу шаҳарлар нафақат мамлакат ичидан, балки ташқаридан ҳам иқтидорли шахсларни оҳанрабо сингари ўзига тортиб ва сайёҳларни жалб қилган. Гўзаллик шаҳар ҳаётининг сифатига ижобий таъсир кўрсатишини инкор қилиб бўладими, ахир!

Ўзбекистон юқорида келтирилган масалалар бўйича қарор қабул қилмай қўймайди, албатта. Хўш, ҳукумат буни қандай амалга оширади — шунчаки “инерция орқали”, беихтиёр, ўз-ўзиданми? Ё бўлмаса, маҳаллий ва хорижий архитекторлар, режа тузувчилар ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос маданияти, жамияти ва иқтисодиёти бўйича экспертлар иштирокида кенг муҳокама натижасидами? Назаримизда, раҳбарият иккинчи йўлни танлайди.

«Халқ сўзи».



риш сиёсатини танлаши мумкин. Тошкент ёки унга яқин жойлашган иккинчи даражали катта шаҳарлар атрофида йўлдош-шаҳарларни ташкил этади. Яъни 109 та ўртача даромадли мамлакатдан 56 таси — ўртадан юқори даражадаги даромадли мамлакат, қолганлари — ўрта даражадаги даромадли мамлакат.

### Миллийликми ёки «глобал яккаҳоқимлик»?

Ўзбекистонда фуқаролар эҳтиёжини таъминлаш учун қайси турдаги уй-жойларни қурган маъқул? Улар қай даражада миллий ўзликни ва аҳоли менталитетини намён этиши керак?

Қўлаб хорижликлар Ўзбекистондаги аънанавий ҳовлиларда ҳукм сурадиган меҳмондўстлик ва илиқ муҳитдан ҳайратланишади. Тўғри-да, оиланинг бир неча авлоди бирга, битта уйда яшайди, шунга қарамай, ҳар бир авлод вакилининг ўзига яраша мустақиллиги ҳам бор. Маҳалла бўлса қўшиллар орасидаги аҳил муносабатни шакллантиради. Ҳар бир ҳовлида, албатта, мевали дарахтлар ва ишқом борлиги аҳолининг табиатга ошнолигидан дарак бериб туради.

Хўп, шундай экан, Ўзбекистондаги бу аънаналардан ўтмиш саркити сифатида воз кечиш керакми? Ахир, бугунги замонавий дунёда шаҳар ҳаёти ва шаҳарозолиқ пухта режалаштирилган, у француз социологи Клод Левин-Стросс берган таъриф — “глобал яккаҳоқимлик” асосида халқаро андозаларга яқинлашмоқда. Ё бўлмаса, ўзбекларнинг турмуш тарзини бебаҳо қадрият сифатида қабул қилиб, уни фақат замон талабига мос ҳолда ўзгартирса бўлдимми? Бу масала ниҳоятда долзарб, айниқса, йирик мегаполисларда. Негаки, бюджет ҳар бир квадрат метр ерни аниқ ҳисобга олишни талаб қилади, тайёр блоклар ёрдамида тез қуриладиган кўп қаватли уйлар эса масаланинг оson ечимидек, гўё.

Дунёдаги “энг пухта режалаштирилган” шаҳарлар ҳам

лари ҳисобга олиниши муҳим.

Хўш, лойиҳачи ва меъморлар тарихий, маданий меросни қай даражада ҳисобга олишлари керак? Бу — халқаро конструкцияларга соф ўзбекона, бетакрор нақшларни шунчаки “ёпиштириб қўйиш”, дегани эмас. Маданий ва ижтимоий аънаналар шундай кўз билан қараб лозимки, янгича намунадаги уйлар қадимий қадриятларни инкор этмаган ҳолда, уларга асослансин. Ўзбекистонлик ва халқаро даражадаги меъморлар лойиҳачи амалга оширишга киришишдан аввал кенг жамоатчилик фикрини ўргансинлар. Мамлакатда ҳокимиятнинг барча бўғинида халқ билан мулоқот тамойили илгари сурилайётгани ҳам бежиз эмас, ахир.

### Энергия тежамкорлиги, мақбул нарх, қулайликлар

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги лойиҳаларга жуда катта сармоа киритилмоқда. Бунёдкорлик кўламини кенгайтириш учун рағбат ҳам мавжуд. Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 34 мингта кўп қаватли уйнинг аҳолини ўрганиш ва уларни реконструкция қилиш учун аниқ чора-тадбирлар қўриш вазифасини қўйди. Реновация дастури ишлаб чиқилди. Янги уйлари қуриш ва эскиларнинг реконструкция қилишида асосий шартлар энергия тежамкорлиги, мақбул нарх, қулайликлардан иборат. Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Ҳукуматнинг прогнозига кўра, уй-жой қурилишини кенгайтириш ҳисобига ҳар йили 100 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади.

ликларини пухта ўрганиш лозим бўлади. Шундагина чинакам “ўзбекона руҳ”да бунёд этилган янги шаҳар ва туманлар, микрорайонлар пайдо бўлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилар командаси олдидagi вазифа — урбанистик келажак учун энг мақбул ечимларни топиш мақсадида ҳам мамлакат ичкарасига, ҳам таш-



қарига синчков назар солиш.

Қурилиш соҳасидаги илгор технологиялар, уларни қўлаш билан боғлиқ жараёни чуқур ўрганиш ҳам муҳим омилардан бири саналади. Ўзбекистонда уй-жой қуриш одатдаги усулларга асосланади. Баланд бинолар ёғочдан синч қўйиб, фиш девор териш ёки бетон блокларни ўрнатиш йўли билан барпо этилади. Агар бунда мураккаб бетон қоришмалар ишлатилса, бинолар янада пишиқ ва хавфсиз бўлади. Нарх муаммосини ҳал этиш учун эса, бетон асосида тайёрланган модуль конструкциялардан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган бетоннинг универсаллиги бир қарашда биланмаса-да, ҳайрон қолдиради. Масалан, конструктив мақсадда ишлатилиши билан бир пайтда тайёр текис юзани ҳосил қила олади, уни эса керамик плитага ўжашган пардозлаш материаллари билан оsonгина безаш мумкин. Бундан ташқари, иссиқ бетон қоришмасини ҳар мав-

Ҳар бир мамлакат «урбанистик» тушунчасини ҳар хил таърифлайди. Жаҳон банки версиясига кўра, камида 2 000 дан 5 000 гача яшовчига нисбатан «шаҳар» атамаси қўлланилади. БМТнинг шу таъриф асосида тайёрланган урбанизация даражаси истиқболлари тўғрисидаги маърузасида Ўзбекистондаги урбанизация даражаси 230 дан ортиқ давлатлар орасида 115-ўринни эгаллашини англатади.

дан иборатки, ишлаб чиқариш жараёнида чиқиндилар кам бўлади, қурилиш майдонида халақит берувчи омилар ҳам деярли йўқ, шунингдек, биноларнинг зирчок жойлаштириш мумкин. Хом ашё қайта ишланади, жиҳозлар химоя остида бўлади. Демак, ҳамма нарса қатъий қузатув чегарасида. Ҳаво бузилмайди, аксинча, сифати яхшиланади. Негаки, йиғиш жараёнида қуруқ материаллар ишлатилади. Қурилиш давомида намлик кам сарфланади, натижада эса ифлосланиш ҳам камайиб, тупроқ эрозиясини, сув йўлларини ва ҳаводаги чанг миқдорини назорат қилиш имконияти вужудга келади. Назорат яхши йўлга қўйилса, бахтсиз ҳодисалар хавфи ҳам камайд.



Моделларнинг стандартларга мослиги “Plug-and-play” (“Ишлатинг-да, ўйна”) қурилмаларидан, шунингдек, мебель, сантехника ва электр жиҳозларидан фойдаланишга имкон беради.

### Бир хил ўлчам ҳаммага тўғри келмайди

Муваффақиятли стратегия сари олиб борадиган йўл — умумий тамойилларни амалий режаларга татбиқ этишга имкон берувчи дизайндр. Уни ишлаб чиқиш учун, гўёки “ўзбекона” ҳисобланган, одатда, бир хиллик ва қотиб қолган “андоза”ларга асосланган шакллари бир оз четга суриб, инсоният ва электр жиҳозларидан фойдаланишга имкон беради.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# БУТУН ИНСОНИЯТГА ДАХЛДОР МЕРОС

*Алишер Навоий — Шарқ Ренессансининг йирик намоёнаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида, айниқса, туркийзабон халқлар маданий ва маънавий ҳаётининг ривожига алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсдир. Бунга қуйидагилар далил бўла олади.*

Биринчидан, у ўзининг гуманистик ғоялари, бадий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеър асарлари билан инсоният тафаккурини ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир. Унинг адабий мероси нихоятда улкан ва серқирра.

Иккинчидан, Алишер Навоий бутун дунё қаршида туркий — ўзбек тилининг бой имкониятларини кўрсатиб, унинг араб ҳамда форс тилларидан ҳеч қайси жihatдан кам бўлмаган гўзал тил эканини исботлаб берган буюк тилшунос олимдир.

Учинчидан, Алишер Навоий — буюк адабиётшунос олим. У Шарқ шеърийатининг муаммо, қасида каби XV асрга келиб деярли унутилган жанрларини тиклашга алоҳида эътибор бериб, нафақат туркий адабиёт, балки форсий адабиёт ривожига ҳам бекиёс ҳисса қўшди.

Тўртинчидан, Алишер Навоий бутун онли ҳаётини туркий халқлар нуфузини, миллий гурур ва миллий ўзига хослигини қайта

лик, одиллик, донолик, сиёсатдонлик ва фуқароларга ғамхўрлик фазилатлари Бойқарога давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам Хусайн Бойқаро Навоийни дўст сифатида бениҳоя улуғлаган ва қадрлаган. Хар қандай шароитда ҳам уни ёнидан узоқлаштирмасликка ҳаракат қилган. Уларнинг дўстлиги давлатни мустақамлаш, юртда адолат ўрнатиш, тил, маданият, санъат, илм-фанни ривожлантириш билан бирга, давлатнинг муҳофаза қудрати, халқроқ обрў-эътиборини оширишга хизмат қилди.

Хазрат Навоий гарчи ҳаёти мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини уйлаб, эл-юрт осудалиги йўлида дўсти ёнида туриб муҳим давлат ишларини бажарди. Алишер Навоий амири кабир —

бош вазир сифатида узоқ йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, суд-адлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик алоқалар, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ йиғинлари ҳамда тadbирларида давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштирди, химоя қилди. Хазрат Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў учун эмас, балки миллат қадриятларини тиклаш ҳамда бутун дунёга тан олдиршидек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият ва восита, деб билди.

Алишер Навоий фақат туркий халқларга эмас, балки бутун башариятга тааллуқли мутафаккир шоир. Унинг асарлари фақат бир миллат учун ёзилган эмас. Уларда тилга олинган хар бир муаммо ва уни бартараф этиш ғоялари бутун инсониятга дахлдордир.

Британия кутубхонаси Алишер Навоий шеърийатини ўз ичига олган 30 дан зиёд кўлемларга эга. Ушбу йирик тadbир ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ўрнатилган ҳамкорлик биз учун шериклик дастуридаги дастлабки муҳим кадамдир. Биз биргаликда Навоийнинг бой поэтик мероси ҳамда Марказий Осиёга оид ранг-

## Эътироф



Хусайн ПАЙДОЕВ (оғир)

баранг кўлемларини тўплаш аънанаси орқали унинг мазмун-моҳиятидан бутун дунёни баҳраманд эта оламиз.

Охир-оқибат, Алишер Навоий мисолида биз бу хайрли ишга йўл очдик. Донишмандлик ҳамда нафосатга йўрилган шеърийати, ҳаётий фаолиятида Алишер Навоий бизга, умуман, бутун инсониятга ўрнатган раҳнамо, адолатли жамиятга интилувчилар учун машъал бўлувчи ақл-заковат соҳибидир.

**Майкл ЖЕЙМС ЭРДМАН,**  
Буюк Британия музейи кўлемлар фонди раҳбари, профессор.



## БУЮК СЎЗ САНЪАТКОРИГА ЭЪТИРОМ

— Ҳазрат Алишер Навоий нафақат сўз мулкнинг султони, балки улуг бунёдкордир, — дейди Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабаси Асадулло Азизий. — Биргина мисол, ҳозирги Афғонистоннинг Сарипул вилояти худудидаги катта кўприкни ўз ҳисобидан уч ой мобайнида усталар ёллаб, таъмирлатган. Буюк зотнинг бундай эзгу ишларидан хар қанча ўрнат олсак арзийди. Хазрат Навоий таваллудининг 578 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали тadbирда биз, афғонистонлик ёшлар қатнашаётганимиздан жуда мамнунмиз. Шу имкониятни туҳфа этгани ва Ўзбекистонда таълим олишимиз учун шароит яратиб бергани учун мамлакатингиз раҳбарига ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

Маросимда Алишер Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. Шоир бобомиз ғазали

билан куйланувчи дилтортар кўшиқлар ижро этилди.

Алишер Навоий ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Х. Султонов, А. Абдувахитов иштирок этди.

\*\*\*

Шу куни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги шоир ҳайкали қад ростлаган хиёбонда ёшлар, шеърийат мухлислари иштирокида мушоира бўлиб ўтди. Буюк шоирнинг бебаҳо мероси нафақат юксак маънавиятли шахс тарбиясида, балки ёш ижодкорларнинг илк қадамида муҳим илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Мутафаккирнинг бекиёс ғазал ва рубоийлари, ёш шоирларнинг ижодидан намуналар янгради.

Бу каби тadbирлар — шеърийат ва адабиёт, маънавият байрамлари юртимизнинг барча худуди, кутубхоналар, таълим масканлари, маҳаллалар, идора ва ташкилотларда бўлиб ўтмоқда.

**Юлдуз ЎРМОНОВА,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

#### Ўзбекистон давлат консерваторияси

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

- **Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси:** доцент (фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (DSc)), катта ўқитувчи.
- **Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси:** ўқитувчи.

**Танловда қатнашиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификат нусхаси.

*Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.*

**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.**

#### ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:

- Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси: доцент.
- Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси: профессор, доцент, ассистент.
- Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
- Силикат материаллар ва нодир, камёб металллар технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
- Аналитик, физикавий ва коллоид кимё кафедраси: профессор, катта ўқитувчи, ассистент.
- Саноят экологияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Кимёвий технологик жараён ва қурилмалар кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Умумий ва ноорганик кимё кафедраси: ассистент.
- Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Биотехнология кафедраси: ассистент.
- Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Озиқ-овқат санвати машина жиҳозлари-механика асослари кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Саноят иқтисодиёти ва менежменти кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Маҳсулот сифати менежменти кафедраси: доцент, ассистент.
- Касбий таълим кафедраси: ассистент.
- Тиллар кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
- Олий математика кафедраси: доцент, ассистент.
- Физика ва электротехника кафедраси: катта ўқитувчи.

*Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.*

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, институт илмий котиби. Телефон: 71-244-81-19.**

#### ҚИЛИЧБОЗЛИК БЕЛЛАШУВЛАРИГА МАРҲАМАТ!

**2019 йил 15 — 17 февраль кунлари**

Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасида I очиқ чемпионати бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан қиличбозлик спортига қизиқувчи барча ҳамюртларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини, энг жозибали ҳамда сара спорт турларидан бири бўлган — қиличбозлик мусобақаларига таклиф этамиз.

Мусобақалар Тошкентдаги Гимнастика спорт саройида бўлиб ўтади ва ушбу қиличбозлик беллашувлари 15 февраль куни соат 10.00 да старт олади.

**Манзил: Юнусобод тумани, Корҳожюта кўчаси, 2-«А» уй. Гимнастика спорт саройи.**

#### QISHLOQQURILISHBANK

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

<b>«Инсон манфаати»</b>	<b>«Жонажон Ватан»</b>
омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача.	омонат муддати — 7 ойдан 13 ойгача.
фоиз ставкаси йиллик 20%.	фоиз ставкаси йиллик 18%.

*Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

*Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**Телефонлар: 78-150-72-58, 78-150-93-99.**

**www.qqb.uz**

**Хизматлар лицензияланган.**

### Халқ сўзи

Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Х. Тошқужаев.  
Навбатчи — М. Каримова.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 03.00 Топширилди — 03.55 1 2 3 4 5 6